

УДК: 398:297:008 (ҚҚ) 584.4

**МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШДА ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚИ МАЪНАВИЙ-ИЖТИМОЙ ҲАЁТИ
РИВОЖИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Г.А.Сапарова – *фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент*
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

**ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ДУХОВНО-СОЦИАЛЬНОЙ ЖИЗНИ КАРАКАЛПАКСКОГО НАРОДА
В ОСОЗНАНИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕНТИЧНОСТИ**

Г.А.Сапарова – *доктор философии философских наук, доцент*
Нукусский государственный педагогический институт имени Ажинияза

**SPECIFIC FEATURES OF THE DEVELOPMENT OF THE SPIRITUAL AND SOCIAL LIFE
OF THE KARAKALPAK PEOPLE IN THE AWARENESS OF NATIONAL IDENTITY**

G.A.Saparova – *Doctor of Philosophy in Philosophical Sciences, Associate Professor*
Nukus State Pedagogical Institute named after Ajiniyaz

Таянч сўзлар: маданият, маънавият, санъат, урф-одат, анъана, миллат, ўзликни англаш, қадрият, диний эътиқод, бадиий адабиёт, қорақалпоқ халқи тарихи, археология, этнография, фольклоршунослик.

Резюме. Мақолада қорақалпоқ халқи маънавий-иҷтимоий ҳаёти ривожда ўз миллий тили, урф-одатлари, анъаналарига, ўзига хос маданий бойликлар билан бирга санъатнинг айрим турлари масалалари муҳокама қилинади. Бундан ташқари археология, этнография, фольклоршунослик, санъатшуносликни ўрганиш натижаси ва бошқа қатор фанларда қорақалпоқ халқи тарихи, маданияти, бадиий адабиёти, диний эътиқодлари, миллий қадриятлар каби тушунчалар тафсилланиди. Шунингдек, бугунги глобаллашув шароитида миллий ўзликни англаш эҳтиёжининг мунтазам ортиб боришида алоҳида ўрин тутади.

Ключевые слова: культура, духовность, искусство, обычай, традиция, нация, идентичность, ценность, религиозная вера, художественная литература, история каракалпакского народа, археология, этнография, фольклор.

Резюме. В статье рассматривается развитие духовной и общественной жизни каракалпаков, включая их национальный язык, обычаи, традиции, уникальное культурное наследие и некоторые виды искусства. Кроме того, в курсах археологии, этнографии, фольклористики, искусствоведения и других предметах описываются такие понятия, как история, культура, художественная литература, религиозные верования и национальные ценности каракалпакского народа. Также в условиях современной глобализации особое место занимает постоянно возрастающая потребность в национальной идентичности.

Key words: culture, spirituality, art, custom, tradition, nation, identity, value, religious faith, fiction, history of the Karakalpak people, archeology, ethnography, folklore.

Summary. The article discusses the development of the spiritual and social life of the Karakalpak people, including their national language, customs, traditions, unique cultural wealth, and some types of art. In addition, concepts such as history, culture, fiction, religious beliefs, and national values of the Karakalpak people are described in archeology, ethnography, folklore studies, art studies and other subjects. Also, in the conditions of today's globalization, it occupies a special place in the constantly increasing need for national identity.

Кириш. Ўрта Осиё халқларининг ичида қорақалпоқлар ўз тили, урф-одатлари, анъаналарига, ўзига хос маданий бойликлар билан бирга санъатнинг айрим турларига эътибор қаратиб, энг қадимий юксак муסיқий маданиятга эга бўлган энг қадимий халқларидан бири ҳисобланади. Халқлар тақдири, ижтимоий-иқтисодий такомил билан бир қаторда маданий ва ҳўжалик фаолияти географик ҳамда миллий ва диний омиллар асосида тарихий жараёнда ривожланиб келган.

Ҳақиқатан ҳам қорақалпоқ миллатининг мифологик, мифобадий, этник анъаналари, бой миллий муסיқий маданияти нафақат Хоразм воҳасида балки, Ўрта Осиёда ва Ўрта Шарқ минтақаларида ҳам бу маданиятнинг ривожланишига хисса қўшган.

Материаллар. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев 2016 йил 10 ноябрда Қорақалпоғистон Республикаси сайловчилар вакиллари билан учрашувда «Мен нафақат ўзбек халқининг, балки қорақалпоқ халқининг ҳам фарзандиман», деган нутқида шундай деган эди: «Менинг Қорақалпоғистон билан яқиндан танишувим, аниқроқ айтадиган бўлсам, қорақалпоқ

заминига меҳр қўйиб, бир умр унга мафтун бўлиб қолишим студентлик давримдан бошланган эди. Айниқса, Жиззах, Сирдарё вилоятларига пахта теримида чиққанларимизда, ишдан кейин, кечкурунлари гулхан атрофида қорақалпоқ қизларимиз, йигитларимиз Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақ каби шоирлардан шеър ўқиб, қўшиқ айтиб, рақска тушганларида барчамиз қойил қолар эдик. Мен ўшанда «Бўзатов», «Айдинлар», «Дембермес» деган қорақалпоқ халқ қўшиқларини биринчи марта эшитиб, ўзимни бамисоли сеҳрланиб қолгандек ҳис қилганимни ҳозир ҳам яхши эсламан» [1:207].

Бундан ташқари археология, этнография, фольклоршунослик, санъатшуносликни ўрганиш натижаси ва бошқа қатор фанларда қорақалпоқ халқи тарихи, маданияти, бадиий адабиёти, диний эътиқодлари, миллий қадриятлари тўғрисида бой материаллар тўпланган. Уларни тарихий-фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қилиш қорақалпоқ миллий маданиятининг бу халқлар миллий ўзлигини англашда нақадар катта аҳамиятга эга эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Қорақалпоқлар миллий ўзлигини англаш жараёнининг ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиш учун, уларни халқ сифатида ривожланиши ва миллат сифатида шаклланиши тарихига қисқача тўхталишни лозим топдик. Манбаларни кўрсатишча, қорақалпоқларнинг миллат сифатида шаклланиши узоқ тарихий даврларга бориб тақалади. Шу боис уларда миллий ўзликни англаш жараёни миллатнинг шаклланиши билан узвий боғлиқликда амалга ошган.

Қорақалпоқ халқининг этногенезиси унинг уруғ-қабила бўлиб яшаган даври билан боғлиқдир. «Этногенезисининг бошланғич нуқтаси, – деб ёзади академик А.Аскарлов, – унинг ибтидоси қабиладан бошланади» [2:58].

Ҳар бир халқнинг элат, халқ бўлиб шаклланишининг ўзига хос томонлари бўлганидек, қорақалпоқ халқи этногенезисининг ҳам ўзига хос хусусиятлари ва ривожланиш босқичлари мавжуддир.

Усуллари. Қорақалпоқ халқи дастлаб уруғ-қабила бўлиб яшаган. Ҳозирги замон фанлари маълумотига кўра, қорақалпоқлар 104 қабилалар атрофида жамланган деб қаралади. Орол денгизининг жанубий қирғоқи бўйларида яшаган сак-массагет қабилалари бўлган. Милодий II-IV асрларда Орол бўйи даштларига Шарқдан хунлар келиб, қисман маҳаллий қабилалар билан аралашиб кетдилар. VI-VIII асрларда эса туркий қабилалар бостириб келишди. Мана шу этник базада илк ўрта аср Орол бўйи халқлари – бижанаклар ва ўғузлар шаклланди; шулар негизда эса VIII-X асрларда қорақалпоқнинг шаклланиш жараёни бошланди [3:411-413].

X аср бошида бижанакларнинг бир қисми ғарбга – Жанубий Русь даштларига кўчиб кетди. Киев Русига келган қабилалар рус сономаларида «черные клобуки» (қорақалпоқлар) деб тилга олинган. Волга ва Урал дарёлари ораллиғида қолган бижанакларнинг шарқий қисми аста-секин Иртиш дарёси ҳавзасидан келган қипчоқлар билан аралашиб, уларнинг тилини қабул қилиб олди. Манбалар қипчоқларнинг уруғ-қабила иттифоқи таркибида қорақалпоқ номига ўхшаш этнонимли «қора бурликлар» қабиласи бўлганлигини кўрсатади. XIV-XV асрларда қорақалпоқнинг нўғойлар билан алоқаси қорақалпоқ этногенезига сезиларли таъсир кўрсатган. XVI аср охирида Ўрта Осиё манбаларида қорақалпоқ халқи ҳозирги номи билан маълум бўлган.

Олимларнинг эътирофи этишча, элат, халқининг белгиловчи бир қанча белгилари: тил, ҳудуд, маълум бир давлат доирасида бўлиши, айниқса иқтисод, маданият, диний эътиқод, урф-одатлар бирлиги, этноснинг уюшқоқлиги қабилар бўлишини тақозо этади. Аммо қорақалпоқларнинг халқ бўлиб шаклланиши жараёнида бу белгилар турли даврларда турлича ўз таъсирини кўрсатган.

Қорақалпоқ халқи этногенезисидан миллат бўлиб шаклланишигача бўлган давр ва ўзликни англаш жараёнида ўз давлатини тузишга бўлган ҳаракатининг ўзига хос ўрни бўлган П.П.Ивановнинг ёзишча, қипчоқ қавмларининг таркибига кирган ўғиз-бижанаклар – «қора бурликлар» қипчоқларга аралашиб йўқ бўлиб кетмаган, аксинча алоҳида этник бирлик бўлиб яшаган ва сўнгра Олтин Ўрданинг парчаланган даврида «қора телпақлар» (чёрные шапки) номини

сақлаб қолган ва ушбу ном билан улар бутунлай халқ бўлиб шаклланган. XII-XIII асрлардаги қипчоқларнинг иттифоқида бўлганлиги қорақалпоқларнинг халқ бўлиб шаклланишида ҳам ўз таъсирини ўтказган [4:119].

Натижалар. Ана шундай мураккаб тарихий жараёнда яшаган қорақалпоқлар ўзига хос маданияти, урф-одати, диний эътиқоди ва санъат турларига эга бўлган бўлса-да, ўзини туб моҳиятини ўзгартмаган ҳолда ўзлигини англаши шу асосда давом этган. Халқлар турмуш тарзи ва умуман қорақалпоқ уруғлари бий ва оксоқоллар орқали бошқарилган. Бу халқларнинг урф-одатлари, маросимчилиги асосан деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик ва қисман хунармандчилик фаолияти билан боғлиқ ҳолда бўлса, оила-ниқоҳ, тўй ва дафн маросимлари ота-боболари одати, уғитлари асосида бажарилган.

XVII асрда қорақалпоқларнинг ижтимоий ҳаётида уруғ-қабилачилик бўлиниш элементлари сақланган эди. У асосий икки «арыс»га – он торт уру ва кўнградга бўлиниб, ўз навбатида – хитай, қипчақ, кенегес, манғыт қабилаларига бўлинган эди. Аммо улар ҳаммаси ҳам қорақалпоқ номи билан аталса-да, уларнинг урф-одатлари, миллий хусусиятлари, турмуш тарзи, ўзлигини англашда ўзига хос тафовутлар ҳам кўзга ташланар эди.

Ҳақиқатан ҳам қорақалпоқ халқи кўп миллатли халқлар қаби ўзининг бой маънавий меросига эгаки, унинг очилмаган қирраларини очиш, ҳозирги давр учун ибратли томонларидан ижодий фойдаланиш бугунги кун талабидир.

Қорақалпоқларнинг хатто бошқа халқларда учрамайдиган айрим урф-одатлари бор. Демак, ҳар қандай урф-одат ҳар бир халқнинг миллий негизини ташкил этади. Урф-одат ҳам ҳар бир халқнинг босиб ўтган йўлидир [5:15-16].

Айниқса, кичик этнослар биз киммиз? Бошқалардан бизни нима ажратади? Деган саволларга жавоб топиш учун маънавий маданиятини илдизлари, миллий маданияти асосларига мурожаат қилмоқдалар [6:5].

Бу ҳолат бир томондан халқда миллий онгнинг ўсганлигини кўрсатувчи омил бўлса, иккинчи томондан, ҳар қандай этнос (кичик ёки катталигидан қатъий назар) ўз миллати келиб чиққан тарихий негизларини билишга интилоқда. Халқлар тарихини ўрганишда тўпланган материаллар халқнинг маданий бойлиги ҳисобланади. Бундай маданият ахлокий-эстетик тарбия ҳамда оилавий тарбия, халқ анъаналари бўйича тарбиялаш, мўлжални юритиш, халқ ижодиёти ва хунармандчилик бўйича бой материалга эгадир [7:2].

Қорақалпоқ мумтоз адабиётининг йирик намоёндалари Ажиниёз ижоди XIX асрдаги ижодкор шоирлардандир. Шоир Бердақнинг дostonлари ҳам қорақалпоқ адабиёти тарихида алоҳида аҳамиятга эга. Ундан ташқари Салт дастури қорақалпоқ халқига боғлиқ бўлиб, салт сўзининг маъноси дастур элнинг урф-одати билан боғлиқ. Ҳар қандай элнинг маданий тарихи шу элнинг урф-одати билан белгиланади. Салт дастур қўшиқлари ҳар бир халқнинг этнографик хилма хилликлари сақланади. Шу сабабларга кўра таниқли тарихчилар, этнографлар шу салт дастур қўшиқларини йиғади. Яъни элнинг дастур қўшиқларини ўзи унинг тарихида қандай халқ бўлганлиги, миллий мансублиги

ва қандай эллар билан алоқада яшаганлиги қандай динлар билан боғланганлигини кўрсатади.

Қорақалпоқ миллий маданияти ва миллий ўзлигини англашда унинг мусика маданияти ҳам узоқ тарихга эгадир. Бу маданиятнинг ҳозирги кундаги фольклор санъати маросим кўшиқларидан иборат. Хусусан, диний маросимлари билан боғлиқ «Ярамазан», «шамолни чақириш» маиший кўшиқларидан «Яр-яр», «Ўлен» каби энг қадимги кўшиқларидир. Қорақалпоқларда исломдан олдинги диний тасаввурлари асосида рухларни чақириш, улар ёрдамида беморларни даволаш, парихонлар айтадиган айтимлар ҳам сақланган. Қорақалпоқ бахшилари томонидан айтиладиган қахрамонлик дostonлари «Юсуф ва Зулайхо», «Гўрўғли» шеърый асарлари дutor ва ғижжак асосида ижро этилган. Қиссахонлар халқ йиғинларида дostonларни ёддан айтиб беришарди.

Қорақалпоқ миллати ва миллий ўзлигига хос миллий мусика чолғулари кўбиз, дutor, ғижжак, чангкўбиз, камиш сурнай киради. Ўтмишда қорақалпоқларнинг сурнай, карнай, ноғора, доира каби чолғулари бўлган. Кўбиз ва дutor мохир созандалар томонидан куйланган. Дutorда чалинадиган «Налиш» куйи ифодавий бойлиги билан ажралиб туради [8:96].

XIX асрда қорақалпоқ шароитида халқ оғзаки ва бадий адабиёт билимнинг ягона соҳаси эди. Уларда жамият ва шахс, шахслараро муносабатлар, оилавий ва ижтимоий муносабатлар ўз ифодасини топган.

Шунингдек, қорақалпоқ халқининг миллий ва диний қадриятларини тиклаш асносида аждоқлари қолдирган моддий, маънавий мероси, ўз халқининг жаҳон цивилизациясига кўшган хиссаси, ўзга миллатлар олдидаги кадр-киммати, обрў-эътиборидан фахрланиш хиссини шакллантирилмоқда; учинчидан, қорақалпоқ

халқининг ижтимоий-тарихий жараёнда ривожланишнинг тахлилидан маълум бўлишича, ўзлигини англаш ва ахлоқий билимлари ота-боболари удумлари, табу ва урф-одатларда шаклланган нормалар орқали бошқарилган.

XIX аср қорақалпоқ илғор классик адабиётда демократ-шоирлар: Кунхўжа (1799-1880), Ажиниёз (1824-1878), Бердақ (1827-1900), Утеш (1829-1902) ижтимоий-сиёсий ва фалсафий ғояни ривожлантириб, меҳнаткаш халқ манфаати нуктаи назаридан нафақат ўз даврининг объектив воқелигини, балки халқларнинг билим даражаси (ўзлигини англашни) ҳамда ахлоқий дунёсини баҳолашга ҳаракат қилдилар.

Бу ижтимоий-тарихий жараёнда шаклланган билимлар ўша давр одамининг ўзлигини анлашнинг асосий воситаси бўлиш билан ахлоқий нормаларни шаклланишига кучли таъсир кўрсатган. Кейинги миллий маданият ва миллатнинг шаклланиши жараёни миллий ўзликни англашга замин яратган.

Хулоса. Хулоса қиладиган бўлсак, биринчидан, миллий менталитет бу миллатга хос анъаналар, расм-русумлар, урф-одатлар, диний эътиқодни ҳам ўз ичига олар экан, мустақиллик қорақалпоқ халқи менталитетини ўрганишга, уни тиклашга имкониятлар очиб берди. Миллий истиклол мафкураси асрлар давомида шаклланган маънавиятимиз, урф-одат, анъаналар ва қадриятларни тиклаш имконини яратди; иккинчидан, миллий қадриятлар ҳам миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, маънавияти ҳамда маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлишидир. Уларни ўзига хос бошқа халқларникига ўхшамайдиган урф-одатлар, расм-русумлар, маросимлар ва анъаналар билан тавсифлаш ҳозирги кунимиз учун аҳамиятга эга.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. Юрагимга, қалбимга якин инсонлар. Қорақалпоғистон Республикаси сайловчилар вакиллари билан учрашувдаги нутқ, 2016 йил 10 ноябрь. Шумоной: 207-б.
2. Аскарлов А. Ўзбек халқининг этногенезиси ва этник тарихи. –Тошкент: «Университет», 2007.
3. Народы Средней Азии и Казахстана. – Москва: Перевод. Толстова С.П., Жданко Т.А., Абрамзона С.М., Кислякова Н.А. 1962. – С. 411-413.
4. Камалов С., Кошанов А. «Қарақалпақлар тарийхи». – Нөкис: «Билим», 1993.
5. Мамбетов К. Қарақалпақлардын этнографиялық тарийхи. – Нөкис: «Қарақалпақстан», 1995.
6. Маличник И.В. Национальная культура и национальное сознание. – Москва: 1998.
7. Кузнецова Т.В. Традиции народности в культуре постсоветской России. – Москва: // Вестник МГУ, серия 7 философия. 2001. №2.
8. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 11. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2005.